

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**26-сон**  
**(1046)**  
**2022 йил**  
**июль**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

229. «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 июндаги ЎРҚ–781-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

230. «Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 июндаги ПФ–162-сон Фармони

*Бешинчи бўлим*

231. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил

- 7 июндаги 6-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942-1*)
232. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 июндаги 227-мх-сон ««Uz» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1830-2*)
233. Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 6 июндаги 170-сон «Майдони 2000 квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-бюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3372*)
234. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 14 июндаги 2022-20-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3373*)
235. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 28 июндаги 16-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қондаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-12*)
236. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 23 июндаги 200-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3374*)
237. O'zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2022-yil 6-iyundagi 245-son «Davlat yong'in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida»gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi*

*tomonidan 2022-yil 30-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3097-6)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 229 Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2022 йил 1 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 28 майда  
маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг мақсади жисмоний ва юридик шахсларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини (бундан буён матнда ер участкаси деб юритилади) компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомилларини белгилашдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, шунингдек давлат органлари ва муассасаларининг, корхоналарининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг доимий фойдаланишида бўлган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

#### 2-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 30 июнда эълон қилинган.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**асослантирувчи материаллар** — компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши режалаштирилган ер участкаси, унда жойлашган кўчмас мулк объектлари (шу жумладан турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ҳолати, уларнинг жорий белгиланган мақсади) тўғрисидаги, ер участкасини олиб қўйиш мақсадлари жамоат эҳтиёжлари деб эътироф этилган мақсадларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотларни, шунингдек мазкур ер участкасида амалга оширилиши режалаштириладиган лойиҳа ҳамда ишларнинг тавсифини ва уларни рўёбга чиқариш муддатларини ўз ичига олган ҳужжатлар;

**ер участкаси** — жисмоний ва юридик шахсларга белгиланган тартибда тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ҳуқуқи асосида берилган ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми, шу жумладан кўп квартиралар уйлар жойлашган ер участкалари;

**ер участкасининг ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг ҳуқуқ эгаси** (бундан буён матнда ҳуқуқ эгаси деб юритилади) — ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларга асосан ер участкасига нисбатан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ҳуқуқига ҳамда мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ташаббускори** (бундан буён матнда ташаббускор деб юритилади) — республика давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари;

**келишув** — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликлари ва ҳуқуқ эгаси ўртасида уларнинг розилиги билан тузиладиган, нотариал тартибда тасдиқланган ёзма шартнома бўлиб, унда компенсациянинг миқдори, тури ва уни бериш муддати назарда тутилади;

**компенсация қилиш** — ер участкаси жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ҳуқуқ эгасига зарарларнинг ўрнини ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда пул шаклида ёки бошқа шаклда қоплаш;

**кўчмас мулк объекти** — бинолар, иншоотлар, кўп йиллик доврахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб тарзда зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмаган объектлар. Ушбу Қонун мақсадларида ер ости бойликлари, шу жумладан фойдали қазилмалар кони кўчмас мулк объектлари жумласига кирмайди.

**4-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга асос бўладиган мақсадлар**

Ер участкаларини қўйидаги мақсадларда компенсация эвазига олиб қўйиш жамоат эҳтиёжлари деб эътироф этилади:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини қидириш ва қазиб олиш (бундан кенг тарқалган фойдали қазилмалар конлари мустасно);

республика аҳамиятига ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль ва темир йўлларни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ҳамда авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, кўприклар, метрополитенлар, туннелларни, энергетика ва алоқа тизимининг муҳандислик объектлари ҳамда тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ирригация ва мелиорация тизимларини қуриш (реконструкция қилиш);

тасдиқланган аҳоли пунктлари бош режаларининг объектларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуришга оид қисмини бажариш;

давлат инвестиция дастурларида кўрсатилган давлат таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг бинолари ҳамда иншоотларини марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан қуриш назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш.

Ер участкаларининг ҳар қандай бошқа мақсадларда олиб қўйилишини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш сифатида талқин этиш тақиқланади.

**5-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомилларининг асосий принциплари**

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомилларининг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

қонунийлик;

мулк ҳуқуқининг устуворлиги;

хусусий мулкнинг дахлсизлиги;

очиқлик ва шаффофлик;

компенсациянинг кафолатланганлиги.

**2-боб. Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар ҳамда компенсация комиссиялари**

**6-модда. Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар**

Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида — республика даражасида (бундан буён матнда республика жамғармаси деб юритилади), шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида — ҳудудий даражада (бундан буён матнда ҳудудий жамғармалар деб юритилади) ташкил этилади.

Республика жамғармаси ва ҳудудий жамғармалар юридик шахс ҳисобланмайди.

**7-модда. Республика жамғармаси ва ҳудудий жамғармалар маблағларини шакллантириш**

Республика жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда республика бюджети маблағлари ва республика бюджетининг қўшимча манбалари маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Ҳудудий жамғармалар маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари захира жамғармаларининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари қўшимча манбаларининг маблағлари;

тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни электрон савдо майдончасида реализация қилишдан келиб тушган, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг махсус газна ҳисобварақларига қўшимча манбалар сифатида ўтказиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Республика жамғармасига ва ҳудудий жамғармаларга келиб тушган маблағлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ғазначилик бошқармаларида очилган шахсий ғазна ҳисобва-  
рақларида жамланади.

### **8-модда. Республика жамғармасининг ва ҳудудий жамғармаларнинг маблағларидан фойдаланиш**

Республика жамғармасининг маблағларидан фақат ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташаббусига кўра ёки республика давлат бошқаруви органларининг ташаббусига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли халқ депутатлари вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгаши (бундан буён матнда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш деб юритилади) томонидан компенсация эвазига ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш учун фойдаланилади.

Ҳудудий жамғармаларнинг маблағларидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ташаббусига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш учун фойдаланилади.

### **9-модда. Республика жамғармасининг ва ҳудудий жамғармаларнинг кузатув кенгашлари**

Республика жамғармасининг ва ҳудудий жамғармаларнинг кузатув кенгашлари (бундан буён матнда кузатув кенгашлари деб юритилади) ушбу жамғармаларнинг юқори бошқарув органларидир.

Кузатув кенгашларининг таркиби ва фаолиятни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

### **10-модда. Кузатув кенгашларининг ваколатлари**

Кузатув кенгашлари қуйидаги ваколатларга эга:

ташаббускор томонидан тақдим этилган асослантирувчи материалларни кўриб чиқиш ва келишиб олиш;

ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрни жисмоний ва юридик шахсларга қопланишини молиялаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

тегишли жамғарма маблағларининг келиб тушиши ва улардан фойда-



ланиш прогнозларини кўриб чиқиш, шунингдек уларни кейинги йил учун тасдиқлаш;

тегишли жамғарма даромадларининг барқарор шакллантирилишини ҳамда ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш.

### **11-модда. Компенсация комиссиялари**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш хузурида уларнинг қарорлари асосида компенсация комиссиялари (бундан буён матнда Компенсация комиссиялари деб юритилади) тузилади.

Компенсация комиссиялари аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорлари билан ўн етти кишидан иборат бўлган таркибда икки йил муддатга тасдиқланади.

Компенсация комиссияси таркибига қуйидагилар киради:

ўн нафар депутат (шундан бир нафари раис);

нодавлат нотижорат ташкилотларининг уч нафар вакили;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси вакили (овоз бериш ҳуқуқисиз);

ҳудудий молия органининг вакили (овоз бериш ҳуқуқисиз);

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ҳудудий бўлинмасининг вакили (овоз бериш ҳуқуқисиз);

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимлиги тузилмасидаги ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбасининг раҳбари (овоз бериш ҳуқуқисиз).

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасидаги ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаларининг раҳбарлари тегишли Компенсация комиссиялари котибининг вазифаларини бажаради.

Компенсация комиссиялари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан тасдиқланадиган регламентлар асосида амалга оширади.

### **12-модда. Компенсация комиссияларининг вазифалари**

Компенсация комиссиялари:

компенсациялар ўз вақтида тўлиқ ҳажмда берилиши устидан мунтазам мониторинг ва берилган компенсацияларнинг ҳисоби юритилишини таъминлайди;

компенсациялар ўз вақтида ва тўлиқ берилмаган ҳоллар аниқланган тақдирда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашга ахборот киритади;

компенсациялар берилиши билан боғлиқ бўлган низоларни судга қадар тартибда ҳал этишга кўмаклашади;

компенсациялар берилиши билан боғлиқ бўлган низолар бўйича тавсиявий хусусиятга эга қарорлар қабул қилади.

**3-боб. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва ҳуқуқ эгалари билан келишув тузиш тартиби**

**13-модда. Асослантирувчи материалларни ташаббускор томонидан тайёрлаш**

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида белгиланган мақсадларда лойиҳа ва ишларни амалга ошириш учун мақбул бошқа ер участкаси мавжуд бўлмаганлиги туфайли ер участкасини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга (бундан буён матнда ер участкасини олиб қўйиш деб юритилади) зарурат ва асос мавжуд бўлган тақдирда, ташаббускор асослантирувчи материалларни тайёрлайди. Бунда яшаш учун яроқсиз бўлган, шу жумладан жисман эскирганлиги, авария ҳолатида эканлиги туфайли яшаш учун яроқсиз бўлган уйлар ва турар жойлар (бундан моддий маданий мерос объектлари мустасно), фойдаланилмаётган объектлар (иморатлар, иншоотлар) жойлашган ер участкалари биринчи навбатда аниқланади, бундай ер участкалари аниқланмаган тақдирда эса бошқа ер участкалари танланади.

Республика давлат бошқаруви органлари томонидан тайёрланган асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритилади.

Истисно тариқасида, халқаро шартнома лойиҳасида чет эл дипломатик ваколатхонасига ажратиш учун назарда тутилган ер участкасининг халқаро шартнома лойиҳасининг ажралмас қисми бўлган харитаси ва реквизитлари ҳамда у билан боғлиқ асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тегишли сўров келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни давомида тайёрланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан кўриб чиқилганидан ёки бевосита тайёрлангандан кейин қуйидагиларга тегишли хулосани ва бошқа маълумотларни олиш учун сўровлар юборилади:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимидаги ҳудудий қурилиш органларига — «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ахборот тизими орқали;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларига (бундан буён матнда Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари деб юритилади) — «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизими орқали.

Сўров келиб тушган кундан эътиборан ўн иш куни ичида:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимидаги ҳудудий қурилиш органлари, зарур бўлганда жойларга чиққан ҳолда, қурилиш объектларини жойлаштириш схемаларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш ҳамда қурилишни режалаштириш бўйича тасдиқланган шахарсозлик ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар ва бошқа ахборотни тайёрлайди ҳамда уларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига юборади;

Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари, зарур бўлганда жойларга чиққан ҳолда, ушбу ер участкасига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳамда унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг тўлиқ рўйхатини, шунингдек улар ҳақидаги бошқа ахборотни тайёрлайди ҳамда уларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига юборади. Бунда Давлат кадастрлари палатаси томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш ташаббускорнинг ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тегишли хулосалар ва бошқа ахборот олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўчмас мулк объектларининг умумий сони, тури, ҳолатини, жойлашган ерни ва бошқа мезонларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқ эгаларига бериладиган компенсациянинг, шунингдек ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қийматини баҳолаш ҳамда уларни бузиб ташлаш билан боғлиқ харажатларнинг дастлабки миқдорини аниқлайди, шу жумладан жойларга чиққан ҳолда аниқлайди.

Моддий маданий мерос объектлари жойлашган жойларда ва уларга туташ ҳудудларда ер участкаларини олиб қўйиш «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларининг моддий маданий мерос объектлари жойлашган жойларда ва уларга туташ ҳудудларда ер қазиш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик ишларини ва бошқа ишларни, моддий маданий мерос объектларини асрашга оид ишларни, шунингдек моддий маданий мерос объектларида илмий ва илмий-техник тадқиқотларни олиб боришга доир талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш зарурати муносабати билан ер участкаларини олиб қўйиш**

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида белгиланган мақсадларда лойиҳаларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш, шунингдек ер

участкаларини олиб қўйиш зарурати юзага келган тақдирда, лойиҳани амалга ошириш бўйича тегишли ташаббус ва асослантирувчи материаллар манфаатдор давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Лойиҳани амалга ошириш ва шу муносабат билан ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббус, шунингдек асослантирувчи материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли лойиҳани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мақсадларда лойиҳанинг амалга оширилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилинганлиги муносабати билан ер участкаларини олиб қўйиш зарурати юзага келган тақдирда, ушбу Қонун билан ташаббускорнинг зиммасига юклатилган барча мажбуриятлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бажарилади, ер участкаларини олиб қўйиш эса ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

#### **15-модда. Асослантирувчи материалларни кузатув кенгаши билан келишиш**

Компенсациянинг дастлабки миқдори аниқланган кундан эътиборан беш иш куни ичида асослантирувчи материаллар компенсациянинг дастлабки миқдори кўрсатилган ҳолда ташаббускор томонидан келишиш учун кузатув кенгашига киритилади.

Кузатув кенгаши ташаббускорни ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш воситасида асослантирувчи материалларни ўн иш куни ичида келишиш ёхуд келишишни рад этади.

Асослантирувчи материалларни келишиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, кузатув кенгаши ҳуқуқ эгаларига бериладиган компенсациянинг дастлабки миқдорига тенг бўлган суммадаги пул маблағларини захира қилиб қўяди.

Кузатув кенгаши томонидан келишиш рад этилган тақдирда, асослантирувчи материаллар рад этиш сабаблари бартараф этилганидан кейин ташаббускор томонидан кузатув кенгашига такроран киритилиши мумкин.

#### **16-модда. Асослантирувчи материалларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга киритиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари кузатув кенгашининг ёзма розилиги олинганидан кейин уч иш куни ичида асослантирувчи материал-

ларни кузатув кенгашининг ёзма розилиги билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга кўриб чиқиш учун киритади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан асослантирувчи материалларни кузатув кенгашининг ёзма розилигини олмасдан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга кўриб чиқиш учун киритиш тақиқланади.

**17-модда. Ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббусни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш тартиби**

Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббуснинг ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган жамоат эҳтиёжларига мувофиқлиги ҳамда ер участкасини олиб қўйиш билан боғлиқ қутилаётган сарф-харажатларнинг оқилоналиги масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг асослантирувчи материаллар киритилганидан кейин чақирилдиган навбатдаги очиқ мажлисида дастлабки тарзда кўриб чиқилади.

Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижаларига кўра ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббуснинг очиқ муҳокамасини (бундан буён матнда очиқ муҳокама деб юритилади) ўтказиш тўғрисида ёки ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарорда қуйидаги масалаларга баҳо берилиши керак:

ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббуснинг ушбу Қонун 4-моддасининг талабларига мувофиқлиги ҳақидаги;

ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида белгиланган мақсадларда лойиҳа ва ишларни амалга ошириш учун мақбул бошқа ер участкаси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

яшаш учун яроқсиз бўлган, шу жумладан жисман эскирганлиги, авария ҳолатида эканлиги туфайли яшаш учун яроқсиз бўлган уйлар ва турар жойлар (бундан моддий маданий мерос объектлари мустасно), фойдаланилмаётган объектлар (иморатлар, иншоотлар) жойлашган ер участкаларини биринчи навбатда аниқлашга, бундай ер участкалари аниқланмаган тақдирда эса бошқа ер участкалари танланишига доир талабларга риоя этилганлиги тўғрисидаги;

ер участкасини олиб қўйиш билан боғлиқ ҳолда қутилаётган сарф-харажатларнинг оқилоналиги ҳақидаги.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни дастлабки тарзда кўриб чиқишга доир мажлислари оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида очиқ ўтказилади.

**18-модда. Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни рад этиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни рад этиш тўғрисидаги қарори қўйидаги ҳолларда қабул қилинади:

ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббус ушбу Қонуннинг 4-моддаси талабларига мувофиқ бўлмаганда;

ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида белгиланган мақсадларда лойиҳа ва ишларни амалга ошириш учун мақбул бошқа ер участкаси мавжуд бўлганда;

яшаш учун яроқсиз бўлган, шу жумладан жисман эскирганлиги ва авария ҳолатида эканлиги туфайли яшаш учун яроқсиз бўлган уйлар ва турар жойлар (бундан моддий маданий мерос объектлари мустасно), фойдаланилмаётган объектлар (иморатлар, иншоотлар) жойлашган ер участкаларини биринчи навбатда аниқлашга доир талабларга риоя этиш юзасидан чоралар кўрилмаганда;

агар олиб қўйиш учун таклиф этилаётган ер участкаларидан ташқари ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида кўрсатилган ер участкалари аниқланган бўлса;

ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан сарф-харажатлар қўйилаётган натижага эришиш учун ноқилона бўлганда;

кузатув кенгашининг ёзма розилиги мавжуд бўлмаганда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддатда асослантирувчи материаллар рад этиш сабаблари бартараф этилганидан кейин такроран киритилиши мумкин.

Такроран киритилган асослантирувчи материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан умумий тартибда кўриб чиқилади.

Ер участкасини олиб қўйиш бўйича ташаббусни рад этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан такроран қабул қилинган тақдирда, айнан ушбу ташаббусни беш йил ичида такроран киритиш тақиқланади.

**19-модда. Очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарорнинг эълон қилиниши**

Очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кейин бир иш куни ичида ташаббускорга ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларига юборилади.

Очиқ муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарор келиб тушган кундан кейинги иш кунида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимликларининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек

мазкур давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўлиқ ҳажмда эълон қилиниши керак.

### **20-модда. Ҳуқуқ эгалари билан очик муҳокама ўтказиш тартиби**

Ҳуқуқ эгалари билан очик муҳокама Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида ўтказилади.

Ташаббускор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш томонидан очик муҳокама ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки иш куни ўтгач, бироқ очик муҳокама ўтказиладиган кундан камида етти кун олдин ҳуқуқ эгаларига очик муҳокамани ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилган ҳолдаги хабарномани юбориши керак.

Ҳуқуқ эгалари очик муҳокамани ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълонлар бериш орқали ҳам хабардор қилиниши керак.

Очик муҳокама ташаббускор томонидан ташкил этилади ва очик муҳокама жараёнининг мажбурий тартибда аудио- ва видеоёзуви таъминланади. Очик муҳокама оммавий ахборот воситалари иштирокида ташкил этилиши керак. Ташаббускор очик муҳокамада оммавий ахборот воситаларининг иштирокини таъминлаши керак.

Очик муҳокама жараёнининг аудио-, фото- ва видеоёзуви олиб борилишини чеклашга йўл қўйилмайди.

Очик муҳокамани ўтказиш жойи кўпчилик ҳуқуқ эгаларининг яшаш жойига ёки жойлашган ерига яқин бўлиши керак.

Ташаббускор ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) учун очик муҳокамада онлайн иштирок этиш имкониятини таъминлаши керак.

Очик муҳокама, агар унда ҳуқуқ эгаларининг (улар вакилларининг) учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ўтказилган деб ҳисобланади.

Очик муҳокама жараёнида ташаббускор ҳуқуқ эгаларини (уларнинг вакилларини) мазкур ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишнинг мақсади, шартлари ва истиқболлари билан таништириши ҳамда уларнинг фикрларини эшитиши керак.

Очик муҳокама якунлари бўйича ташаббускор томонидан баённома тузилади, баённома ташаббускорнинг вакили ва очик муҳокамада иштирок этган барча ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) томонидан имзоланади.

Баённомада очик муҳокама ўтказилган жой, вақт, иштирокчилар таркиби, кун тартиби, муҳокамада билдирилган фикрлар кўрсатилади. Баённомага очик муҳокамада иштирок этган ташаббускор вакилларининг ҳамда ҳуқуқ эгаларининг (улар вакилларининг) рўйхати, шунингдек очик муҳокама жараёнининг аудио- ва видеоёзуви илова қилинади.

Ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, бунинг сабаблари кўрсатилган ҳолда далолатнома тузилади, далолатнома баённомани имзолашдан бош тортган ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) ва ташаббускорнинг вакили томонидан имзоланади.

Баённома тузилган кундан кейинги иш кунинда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида тўлиқ ҳажмда эълон қилинади, баённоманинг ва далолатноманинг асл нусхалари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга юборилади.

Очиқ муҳокама белгиланган муддатда ўтказилмаган тақдирда, асослан-тирувчи материаллар ўн беш иш куни ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга ер участкаларини олиб қўйиш бўйича ташаббусни такроран кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин. Такроран киритилган асослан-тирувчи материаллар умумий асосларда кўриб чиқилади.

### **21-модда. Ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш тартиби**

Очиқ муҳокама яқунлари бўйича тузилган баённома Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга тақдим этилгандан кейин бир ой ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси девони, маҳаллий Кенгаш котибияти ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарори лойиҳасини тайёрлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳасида қуйидагилар кўрсатилади:

олиб қўйилаётган ер участкасининг географик координаталари;  
ер участкасини олиб қўйиш асослари ва мақсадлари;

олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган, бузиб ташланиши лозим бўлган кўчмас мулк объектлари ва уларнинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотлар;

олиб қўйилаётган ер участкасида амалга ошириладиган лойиҳанинг ва ишларнинг тавсифи, шу жумладан қуриладиган объектлар, лойиҳани ҳамда ишларни амалга оширишнинг бошланиш ва яқунланиш муддатлари ҳақидаги маълумотлар;

ер участкасини олиб қўйиш, шу жумладан ҳуқуқ эгаларига компенсация бериш билан боғлиқ бошқа масалалар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси кўриб чиқиш ҳамда мазкур қарор лойиҳасининг ушбу Қонун талабларига мувофиқ эканлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида ҳуқуқий хулоса бериш учун тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият



органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказиш «Е-қағоғ» ягона электрон тизими орқали юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ўн иш куни ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва унинг натижаси бўйича тегишли ҳуқуқий хулоса берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси бўйича салбий хулоса берилган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин қарор лойиҳаси хулоса бериш учун такроран киритилиши мумкин. Такроран киритилган қарор лойиҳаси умумий асосларда кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан ижобий хулоса берилган тақдирда, мазкур қарор лойиҳаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг навбатдаги ййғилишида кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан салбий хулоса берилган тақдирда, қарор лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш кўриб чиқиши учун киритиш тақиқланади.

Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг мажлисида ташаббускор вакилларининг ва ҳуқуқ эгаларининг (улар вакилларининг) иштирок этиши таъминланиши керак. Бунда ташаббускорнинг вакили ва ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари) ўз фикрларини, эътирозларини билдиришга, тегишли тушунтиришлар олишга, шунингдек ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси бўйича депутатларнинг овоз бериши жараёнини кузатишга ҳақли.

Ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат бўлган кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Агар ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси овоз бериш яқунларига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат бўлган кўпчилик овозини ололмаса, ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги ташаббус рад этилган деб ҳисобланади. Бунда мазкур ташаббус беш йил ичида такроран киритилиши мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки ер участкасини олиб қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур органларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш учун асос бўлмайди.

### **22-модда. Ҳуқуқ эгалари билан келишув тузиш тартиби**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳуқуқ эгалари билан компенсациянинг шартлари, турлари ва миқдори бўйича келишувга эришишга доир ишларни амалга оширади.

Келишувга эришилганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги ва ҳуқуқ эгаси ўртасида икки томонлама келишув имзоланади, келишув нотариал тартибда тасдиқланади ҳамда «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялаштирилган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизими орқали Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаларига юборилади, шунингдек мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга нисбатан тақиқ қўйилади.

Компенсациянинг турлари, миқдори ва уни бериш муддати, шунингдек компенсация тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин кўчмас мулк объектини бўшатиш муддати келишувда назарда тутилади. Бунда кўчмас мулк объектини бўшатиш муддати компенсация тўлиқ ҳажмда берилган кундан эътиборан ҳисобланади ва олти ойдан ошмаслиги керак.

Ҳуқуқ эгаси келишув тузилганидан кейин вафот этган тақдирда, келишув бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг меросхўрларига меросдаги ўз улушларига мутаносиб равишда ўтади.

Ҳуқуқ эгаси келишув тузилгунига қадар вафот этган тақдирда, келишув тузиш билан боғлиқ музокаралар унинг меросхўрлари билан умумий асосларда ўтказилади. Меросхўрларнинг таркиби ва улардан ҳар бирининг меросдаги улуши меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида, низо юзага келган тақдирда эса суд томонидан белгиланади.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини келишув имзоланганидан кейин бошқа шахсга ўтказишга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг ёзма розилиги мавжуд бўлганда ёхуд кели-

шув (келишувда белгиланган тартибда, тарафларнинг розилиги билан ёки суд тартибида) бекор қилинган тақдирда йўл қўйилади.

Бузиб ташланадиган кўчмас мулк объектини сотиб олган шахс келишувдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича аввалги ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқий вориси бўлади.

Компенсация тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бошқа шахсга ўтказиш тақиқланади.

Ҳуқуқ эгаси билан келишувга эришилмаган тақдирда, ҳуқуқ эгасини келишувни имзолашга мажбур қилиш мақсадида ўзига тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини эркин тасарруф этишига монелик қиладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан турар жойни (яшаш учун мўлжалланмаган жойни), ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини ҳамда бошқа бинолар ва иншоотларни коммуникация тармоқларидан, шу жумладан сув таъминоти, оқова сувларни чиқариб юбориш, электр, алоқа, иссиқлик ва газ тармоқларидан узиб қўйишга, кўчмас мулк объектларига киришни тўсиб қўйишга, ҳуқуқ эгасининг муносиб ҳаёт кечириши учун монелик қиладиган шарт-шароитларни яратишга йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. Компенсация бериш тартиби**

##### **23-модда. Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан бериладиган компенсация**

Қуйидагилар компенсация қилинади:

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;

олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати (бундан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқи мустасно);

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати;

кўчиш, шу жумладан бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;

ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда (бунда ер участкаси ва унда жойлашган кўчмас мулк объектлари бўшатиб қўйилган пайдан эътиборан аввалги фаолиятни тиклашга қадар бўлган, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатдаги фойда ёки мавсумий ҳосилдан олиниши мумкин бўлган фойда ҳисобга олинади);

ҳуқуқ эгасининг қонунчиликда ёки келишувда назарда тутилган бошқа харажатлари ва зарарлари.

Ер участкаси олиб қўйилганлиги муносабати билан ҳуқуқ эгасига ноқулайликлар келтириб чиқарилганлиги учун компенсация сифатида ер участкасида жойлашган кўчмас мулк бозор қийматининг беш фоизи миқдорида бир марталик тўлов амалга оширилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган компенсацияларнинг миқдорини баҳолаш стандартлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланади.

Қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқ эгасига тегишли бўлган, олиб қўйилган ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган турар жойлар (яшаш учун мўлжалланмаган жойлар), ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари ҳамда бошқа бинолар ва иншоотлар мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг бозор қиймати ҳам тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мақсадларда лойиҳалар ва ишларни амалга ошириш учун режалаштирилган ер участкасида (бундан аҳоли пункти ерлари тоифасига кирмайдиган ерлар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва муҳофаза этиладиган ҳудудларда жойлашган ер участкалари мустасно) жойлашган турар жойга нисбатан ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган, ушбу турар жойга ўн беш йил (эгаллик қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи муддат) мобайнида худди ўз мулкидек ҳалол, ошқора ва узлуксиз эгаллик қилган шахсларга, ушбу кўчмас мулк объектлари учун солиқлар тўлаб келинганлиги тасдиқланган тақдирда, мазкур кўчмас мулк объектлари қийматининг ўрни қопланади.

#### **24-модда. Бериладиган компенсация турлари ва манбалари**

Бериладиган компенсация турлари қуйидагилардан иборат:  
пул маблағлари, шу жумладан турар жойларни ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни вақтинчалик ижарага олиш учун пул маблағлари;  
бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;  
келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига кўчмас мулк объектларининг баҳолаш қиймати ҳисобга олинган ҳолда компенсациянинг бир неча турлари берилиши мумкин.

Бузиб ташланадиган кўчмас мулк ўрнига янги қурилган кўчмас мулк объектини бериш муддати бошқа кўчмас мулк объекти вақтинча фойдаланишга берилган кундан эътиборан йигирма тўрт ойдан ошмаслиги керак. Кўрсатилган муддатда янги кўчмас мулк объекти берилмаган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туманлар (шаҳарлар) ҳокимлиги ҳуқуқ эгасига ҳар бир кечиктирилган кун учун бузиб ташланган ёки бузиб ташланадиган кўчмас мулк объекти баҳолаш қийматининг 0,05 фоизи миқдориде пеня тўлайди.

Битта маҳаллада ёки битта кўчада яшовчи ҳуқуқ эгалари ва уларнинг оила аъзолари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек маданий қадриятларни сақлаб қолиш мақсадида, ҳуқуқ эгаларининг хоҳишига кўра уларга битта маҳаллада ёки кўчада жойлашган янги уйлар (битта кўп квартиралар уйдаги квартиралар) берилиши мумкин.

Компенсация ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган тартибда тегишли марказлаштирилган жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилади.

**25-модда. Компенсация бериш тартиби ва муддатлари**

Қўп квартирали уй жойлашган ер участкаси олиб қўйилганда тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига, қоида тариқасида, ўша туманда (шаҳарда) ёки ҳуқуқ эгасининг танловига кўра бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган, майдони уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган, аввалгисига тенг қийматли турар жой (квартира) мулк қилиб берилди. Ҳуқуқ эгасининг хоҳишига кўра турар жой (квартира) олиб қўйилган ер участкасида қурилаётган қўп квартирали уйдан берилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳуқуқ эгасига ушбу турар жой (квартира) топшириладиган пайтга қадар унга ва унинг оила аъзоларига ташаббускорнинг маблағлари ҳисобидан бошқа барча қулайликлари бўлган турар жой вақтинчалик ижарага берилди.

Яшаш учун мўлжалланмаган объект жойлашган ер участкаси олиб қўйилганда тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига, қоида тариқасида, ўша туманда (шаҳарда) ёки ҳуқуқ эгасининг танловига кўра бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган, майдони аввалги яшаш учун мўлжалланмаган объектнинг умумий майдонидан кичик бўлмаган, аввалгисига тенг қийматли яшаш учун мўлжалланмаган объект мулк қилиб берилди. Яшаш учун мўлжалланмаган объект олиб қўйилган ер участкасида қурилаётган объектдан берилган тақдирда, ушбу яшаш учун мўлжалланмаган объект топшириладиган пайтга қадар ташаббускорнинг маблағлари ҳисобидан ҳуқуқ эгасига яшаш учун мўлжалланмаган объект вақтинчалик ижарага берилди.

Якка тартибдаги (шу жумладан қурилиши тугалланмаган, лекин белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган) уй жойлашган ер участкаси олиб қўйилганда тарафларнинг келишувига кўра ҳуқуқ эгасига, қоида тариқасида, ўша туманда (шаҳарда) ёки ҳуқуқ эгасининг танловига кўра бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган, майдони уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган, аввалгисига тенг қийматли якка тартибдаги уй мулк қилиб берилди. Ушбу якка тартибдаги уй ҳуқуқ эгасига берилдиган пайтга қадар унга ва унинг оила аъзоларига ташаббускорнинг маблағлари ҳисобидан барча қулайликлари бўлган турар жой вақтинчалик ижарага берилди.

Ҳуқуқ эгасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаси олиб қўйилганда ҳуқуқ эгасига ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматига тенг миқдорда пул маблағлари тўланади.

Компенсацияни пул маблағлари тарзида бериш ушбу маблағларни ҳуқуқ эгасининг банк (депозит) ҳисобварағига ёки шахсий банк пластик картасига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Агар олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ҳамда мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулкнинг бозор қиймати компенсация сифатида берилаётган кўчмас мулкнинг бозор қийматидан ортиқ бўлса, ушбу фарқ ҳуқуқ эгасига компенсация қилиниши керак.

Агар олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг ҳамда мазкур ер участкасида жойлашган кўчмас мулкнинг бозор қиймати компенсация сифатида берилаётган кўчмас мулкнинг бозор қийматидан паст бўлса, ушбу фарқни ҳуқуқ эгаси томонидан қайтариш талаб этилмайди.

Умумий биргаликдаги мол-мулк иштирокчиларига уларнинг умумий мол-мулкдаги улушларига мувофиқ компенсация берилади.

Агар олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган турар жойнинг ўрнига компенсация сифатида бошқа турар жой берилса, уй-жойнинг ижтимоий нормасини ҳисоблашда олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган турар жойда ер участкасини олиб қўйиш тартиб-таомили бошлангунига қадар рўйхатдан ўтказилган ва ҳақиқатда яшаётган шахслар сони инobatга олинади (бундан амалда яшаб турган шахслар сонининг эр-хотин никоҳ тузганида, фарзанд туғилиши, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг тарбиялаш учун оилага — фарзандликка, васийликка, ҳомийликка ёки тутинган оилага берилиши ҳисобидан ошиши ҳоллари мустасно).

Компенсация келишувда кўрсатилган муддатларда, бироқ келишув тузилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай, агар келишувда пул маблағлари тарзидаги компенсация назарда тутилган бўлса, бундай компенсация келишув тузилган санадан эътиборан бир ойдан кечиктирмай берилади. Мазкур муддатлар ушбу Қонун 24-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган муддатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бунда кўп квартирали уй ёки яшаш учун мўлжалланмаган кўп қаватли жой жойлашган ер участкаси олиб қўйилган тақдирда, пул маблағлари тарзидаги компенсацияни тўлаш муддатлари ушбу кўп квартирали уйда ёки яшаш учун мўлжалланмаган кўп қаватли жойда жойлашган кўчмас мулк объектлари ҳуқуқ эгаларининг ҳар бири билан келишув тузилган пайтдан эътиборан ҳисобланади. Ҳуқуқ эгалари барча ҳуқуқ эгалари билан келишув тузилганлиги ва компенсацияни тўлаш муддатлари бошланганлиги ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан хабардор қилиниши керак.

Кўп квартирали уйда ёки яшаш учун мўлжалланмаган кўп қаватли жойда жойлашган кўчмас мулкнинг ҳуқуқ эгаларидан бири билан биринчи келишув тузилган кундан эътиборан барча ҳуқуқ эгалари билан келишувлар тузиш бўйича ишларни якунлаш муддати уч ойдан ошмаслиги керак. Ушбу муддат бузилган тақдирда ҳуқуқ эгалари билан тузилган барча келишувлар бекор қилинган деб ҳисобланади. Бекор қилинган келишувлар такоран тузилиши мумкин.

Барча ҳуқуқ эгалари билан уч ой ичида келишув тузилган пайтда келишув тузилган кундан эътиборан бир ой ўтган келишувларда компенсация сифатида кўрсатилган пул суммаси тегишли ойлarda Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан расман эълон қилинган инфляцияга мутаносиб равишдаги индексация ҳисобга олинган ҳолда тўлаб берилади.

**26-модда. Келишув шартлари бажарилишининг ҳисобини юритиш ва кўчмас мулк объектини бўшатиш**

Келишувда назарда тутилган компенсациялар тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин келишувда назарда тутилган компенсациялар берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ўша куннинг ўзида «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизимига киритилади.

Келишувда назарда тутилган барча компенсациялар тўлиқ ҳажмда берилган пайтдан эътиборан ҳуқуқ эгаси:

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотади;

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини (турар жойларни ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни, ишлаб чиқариш жойларини, бошқа биноларни ва иншоотларни) олти ой ичида тўлиқ бўшатади.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари компенсациялар тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин тўлиқ бўшатишга қадар коммуникация тармоқларидан, шу жумладан сув таъминоти, оқова сув, электр, алоқа, иссиқлик ва газ тармоқларидан узиб қўйилиши мумкин эмас.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари компенсациялар тўлиқ ҳажмда берилганидан кейин олти ой ичида бўшатилмаган тақдирда, ташаббускор мажбурий кўчириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

**27-модда. Компенсация ўз вақтида тўлиқ ҳажмда берилишининг мунтазам мониторинги**

Компенсация ўз вақтида тўлиқ ҳажмда берилишининг мунтазам мониторинги ва берилган компенсацияларнинг ҳисобини юритиш «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизими орқали Компенсация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Компенсация ўз вақтида тўлиқ ҳажмда берилишининг мунтазам мониторингини амалга ошириш учун «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизимида Компенсация комиссияларининг котиблари учун шахсий кабинет очилади.

Мониторинг келишувда назарда тутилган компенсациялар берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизимига киритилганлиги факти асосида, келишув нотариал тартибда тасдиқланган ва у мазкур тизимга киритилган кундан эътиборан олти ой ичида олиб борилади.

Компенсациянинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда берилмаганлиги ҳолати аниқланган тақдирда Компенсация комиссияси ўз мажлисида мониторинг натижаларини кўриб чиқиб, компенсация юзасидан низо келиб чиқишининг олдини олиш бўйича тавсиявий тусга эга бўлган қарор қабул қилади ҳамда уни компенсациянинг ўз вақтида ва тўлиқ берилмаганлигига йўл қўйган ташаббускорга юборади.

Компенсация комиссиясининг қарорлари унинг мажлисларида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этганда бир овоздан қабул қилинади.

Компенсация комиссиясининг мажлислари ташаббускорларнинг вакиллари ва ҳуқуқ эгалари (уларнинг вакиллари), шунингдек жамоатчилик иштирокида очиқ тарзда ўтказилади.

Компенсация комиссияси компенсация ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда берилмаганлиги ҳолати аниқланганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга ахборот киритади.

**5-боб. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари эгасиз мол-мулк деб топиш ва бузиладиган кўчмас мулкни, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш тартиби**

**28-модда. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари эгасиз мол-мулк деб топиш тартиби**

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объекти, агар унинг мулкдори бўлмаса (шу жумладан, агар кўчмас мулк объекти турар жой бўлса, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар) ёки унинг мулкдори номаълум бўлса, эгасиз мол-мулк бўлади.

Эгасиз мол-мулк бўлган кўчмас мулк объекти тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига биноан кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз мол-мулк бўлган кўчмас мулк объекти ҳисобга қўйилган кундан эътиборан бир йил ўтгач, давлат мулкни бошқаришга ваколатли бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу кўчмас мулк объектлари давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига киритилган деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин.

**29-модда. Бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш**

Бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шу жумладан кўп йиллик доварахтларни, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида ушбу Қонуннинг 21-мод-



дасида назарда тутилган тартибда қарор қабул қилинганидан кейин ва келишув тузилгунига қадар амалга оширилади. Бундай ҳолда кўчмас мулк объектларининг, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қиймати ер участкаси олиб қўйилиши тартиб-таомили бошлангунига қадар бўлган пайтдаги ёки ер участкаси олиб қўйилиши ҳақидаги хабар кўчмас мулк объектининг қийматига, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларга таъсир кўрсатилгунига қадар бўлган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланади.

Эгасиз мол-мулк бўлган кўчмас мулк объектлари, шунингдек ушбу объектлар жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар ҳам баҳоланади.

Бузиладиган кўчмас мулк объектларини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш чоғида ташаббускорнинг ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг баҳоловчи ташкилот фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди.

Баҳоловчи ташкилот ва ташаббускор ўртасида тузиладиган шартнома, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда эса суднинг ажрими бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолашдан ўтказиш учун асос бўлади.

Олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш фақат ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш ҳақида ҳисобот тузилган пайтдан эътиборан олти ой ичида такроран баҳолашдан ўтказишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Агар бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот суднинг қарорига биноан ишончли эмас деб топилса, қонунчиликда белгиланган тартибда такроран баҳолашдан ўтказишга йўл қўйилади.

Бузиладиган кўчмас мулк объектини, шунингдек олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш баҳоловчи ташкилотлар томонидан ташаббускорнинг олиб қўйилаётган ер участкасида тегишли лойиҳани ва ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **6-боб. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тартиби**

### **30-модда. Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби**

Компенсациялар берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар «Кадастр ва рўйхатдан ўтказишнинг интеграциялашган ахборот тизими»га интеграция қилинган махсус ахборот тизимига киритилганидан кейин, шунингдек кўчмас

мулк объектлари бўшатишнинг келишувда назарда тутилган муддати тугагач, ташаббускор олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бузиладиган кўчмас мулк объектларининг рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашга тақдим этади.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бузиладиган кўчмас мулк объектларининг рўйхати тақдим этилганидан кейин ўн беш кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг девони, маҳаллий Кенгашларнинг котибиятлари олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақидаги қарор лойиҳасини тайёрлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳасида қуйидагилар акс эттирилиши керак:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг мазкур ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги қарорларининг рақами, санаси ва эълон қилинадиган манбаи;

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган бузиладиган кўчмас мулк объектларининг манзилли рўйхати;

олиб қўйилган ер участкасида жойлашган ҳар бир кўчмас мулк объектнинг бузилиши бошланадиган сана;

қонунчиликда белгиланган шаҳарсозлик нормаларига ва қоидаларига риоя этилишига доир талаблар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳасига қуйидагилар илова қилинади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда ҳуқуқ эгаси ўртасида тузилган келишувнинг кўчирма нусхаси;

ҳуқуқ эгаларига компенсация тўлиқ ҳажмда берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг кўчмас мулк объектлари бузиш ҳақидаги қарори лойиҳаси кўриб чиқиш ҳамда қарор лойиҳасининг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида ҳуқуқий хулоса бериш учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг «Е-қағоғ» ягона электрон тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармасига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўн иш куни ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиб, натижалари юзасидан тегишли ҳуқуқий хулоса беради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектла-

рини бузиб ташлаш ҳақидаги қарори лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, зарур ҳолларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан салбий хулоса берилган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан кейин мазкур қарор лойиҳаси ҳуқуқий хулоса бериш учун такроран киритилиши мумкин. Такроран киритилган қарор лойиҳаси умумий асосларда кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақидаги қарори лойиҳаси юзасидан ижобий хулоса берилган тақдирда, қарор лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси юзасидан салбий хулоса берилган тақдирда, мазкур қарор лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш кўриб чиқиши учун киритиш тақиқланади.

Олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат бўлган кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**31-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарорини эълон қилиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш ҳақидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида:

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни тугатиш тўғрисида тегишли ёзувни киритиш учун Давлат кадастрлари палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига;

тегишли солиқлар ва йиғимларни қайта ҳисоб-китоб қилиш учун тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарори Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгазининг, тегишли вилоят, Тошкент шаҳар ёки туман (шаҳар) ҳокимлигининг расмий веб-сайтида, бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек мазкур давлат органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилиниши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг кўчмас мулк объектини бузиш ҳақидаги қарори бузиладиган кўчмас мулк объектига нисбатан мулкый ҳуқуқларнинг ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг тугатилиши учун асос бўлади.

**32-модда. Кўчмас мулк объектини бузишга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш учун маблағларнинг манбалари**

Кўчмас мулк объектини бузиш олиб қўйилаётган ер участкасида лойиҳани ва ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлар ҳисобидан ташаббускор томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқ эгаси ташаббускор билан келишилган ҳолда кўчмас мулк объектини ўз маблағлари ҳисобидан бузиши ва қурилиш материалларини олиб чиқиб кетиши мумкин.

**7-боб. Яқунловчи қоидалар**

**33-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки олиб қўйишни рад этиш, шунингдек кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилиш**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш ёки олиб қўйишни рад этиш, шунингдек кўчмас мулк объектини бузиш тўғрисидаги қарори устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

**34-модда. Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низоларни ҳал этиш**

Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низолар дастлаб судга қадар тартибда Компенсация комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низо юзасидан ариза Компенсация комиссияси аризани олган кундан эътиборан уч иш куни ичида кўриб чиқилиши керак.

Компенсация комиссиясининг қароридан норози бўлган тараф қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

**35-модда. Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низо кўриб чиқилгунига қадар кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишига йўл қўйилмаслиги**

Ҳуқуқ эгасига компенсация берилиши билан боғлиқ низо келиб чиққан тақдирда, агар мазкур низо судга қадар тартибда кўриб чиқилмаган бўлса ва мазкур низо бўйича суднинг қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлмаса, олиб қўйилаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳақида қарор қабул қилиш тақиқланади.

**36-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига биноан олиб қўйилган ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига биноан олиб қўйилган ер участкаларидан фақат мазкур қарорда кўрсатилган мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига кўра олиб қўйилган ер участкаларидан мазкур қарорда назарда тутилмаган мақсадларда фойдаланилиши тақиқланади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Олиб қўйилган ер участкасидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қароридан кўрсатилган мақсадларда фойдаланилишига монелик қиладиган, ташаббускор олдиндан кўра билиши мумкин бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда, мазкур ер участкасидан ушбу Қонуннинг 4-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган мақсадлардан бири учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг қарорига кўра фойдаланилиши мумкин.

**37-модда. Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Ушбу Қонун талабларига риоя этилмаган ҳолда ер участкаларини олиб қўйиш ҳамда кўчмас мулк объектларини бузиш тақиқланади.

Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**38-модда. Қабул қилинган маъмурий ҳужжат қонунга хилоф деб топилган тақдирда етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш**

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, маҳаллий Кенгашнинг ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва кўчмас мулк объектларини бузиш тўғрисидаги қарорлари қонунга хилоф деб топилган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг

ўрни, биринчи навбатда, марказлаштирилган жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан қопланиб, кейинчалик ушбу маблағлар айбдор шахслардан регресс тартибида ундирилади.

**39-модда. Ушбу Қонун кучга киргунига қадар бошланган, бироқ яқунланмай қолган муносабатларнинг тартибга солиниши**

Агар ер участкаларини олиб қўйиш тартиб-таомиллари ушбу Қонун кучга киргунига қадар бошланган, бироқ ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ қарор қабул қилинмаган бўлса, мазкур ер участкаларига нисбатан ушбу Қонунда назарда тутилган тартиб-таомиллар қўлланилади.

Агар ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ушбу Қонун кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган тартибга мувофиқ қабул қилинган бўлса, мазкур ер участкаларига нисбатан келишув тузиш, компенсация бериш, бузиладиган кўчмас мулкни ва олиб қўйилаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни баҳолаш, кўчмас мулк объектларини бузиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш чоғида ушбу Қонуннинг 22 — 32-моддаларида назарда тутилган тартиб-таомиллар қўлланилади.

**40-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**41-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**42-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 июнь,  
ЎРҚ-781-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **230 Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тад- бирлари тўғрисида\***

Солиқ қонунчилиги талабларини енгиллаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг янги воситаларини самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали тадбиркорлик субъектларининг солиқ юкини камайтириш ва бизнес юритишни соддалаштириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 июлдан бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, тугалланмаган қурилиш объектларига (фойдаланилмаётган объектлар) ҳамда ушбу объектлар билан банд бўлган ер участкаларига нисбатан мол-мулк ва ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби (таъсирчан солиқ механизми) бекор қилинсин.

2. Белгилансинки, 2023 йил 1 мартга қадар:

ҳисобварақ-фактураларда ёки назорат-касса техникаси чекларида олинган товарлар (хизматлар) номенклатурасига ёхуд фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига ва амалга ошириладиган турларига мувофиқ бўлмаган идентификация кодларини акс эттирганлик учун молиявий жарима солинмайди;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий ресурсларни ҳисобга олиш (сотиб олиш (қуриш), ишга тушириш, қайта баҳолаш, тасарруф этиш) ҳамда ўз устав фондиди (устав капиталини) шакллантириш ва камайтириш билан боғлиқ барча операцияларни солиқ органларининг «Е-актив» ахборот тизимида акс эттириш ихтиёрий ҳисобланади.

3. 2022 йил 1 июлдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мажбурий равишда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этиладиган тадбиркорлик субъектларига қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда берилади. Бунда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ органлари томонидан мониторинг қилиб борилади ва мониторинг давомида солиқ хавфи ҳолатларининг аниқланиши қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 29 июнда эълон қилинган.

ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга асос бўлади;

солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан беш иш куни олдин хабарнома юборилгандан сўнг ҳамда мазкур муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда тўхтатиб турилади (бундан амалга ошириладиган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мувофиқ келмаслиги ёки солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган манзилда мавжуд бўлмаганлиги ҳолатлари мустасно).

4. Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги тадбиркорлик субъектлари, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат Жамоатчилик кенгаши муҳокамаларида кўтарилган масалалар асосида солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ҳамда солиқ органларининг ахборот тизимларини такомиллаштириб борсин;

мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигида жорий этилган сўнгги ўзгаришлар тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кенг тушунтириш ишларини, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали тизимли равишда ташкил этсин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Қудбиев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 июнь,  
ПФ-162-сон



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ****231 «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2022 йил 18 февралдаги ПФ–75-сон «Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 2 октябрдаги 10-мҳ-сон «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2942, 2017 йил 27 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.10.2017 й., 10/17/2942/0182-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир****А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 7 июнь,  
6-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил  
7 июндаги 6-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 12-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спортни ривожлантириш бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 23-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) илова изоҳининг тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

**232** «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1830-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон «Ўзбекистон Республикасининг арим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ–6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2008 йил 26 майдаги 155-сон буйруғи (рўйхат рақами 1830, 2008 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 255-модда) билан тасдиқланган «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомға иловаға\*\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киради.

**Вазир**

**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 13 июнь,  
227-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 июнда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**233** Майдони 2000 квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3372*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ–168-сон «Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Майдони 2000 квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. ОРТИКОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 6 июнь,  
170-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
давлат активларини бошқариш агентлиги  
директорининг 2022 йил 6 июндаги  
170-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Майдони 2000 квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом майдони 2000 квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ҳоким ёрдамчиси** — маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчилари;

**ахборот тизими** — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) «Давлат мулки» ахборот тизимида жорий этилган, онлайн-буюртманомаларни қабул қилиш ва уларни қайта ишлаш махсус модули;

**бўш турган давлат кўчмас мулк объекти** — давлат органлари, давлат ташкилотлари ва давлат корхоналарининг майдони 2000 квадрат метргача бўлган белгиланган муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, шунингдек уч ойдан ортиқ муддат давомида бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, шу жумладан умумий майдонининг 50 фоизидан кўпроғидан (бир бино ёки нотурар жой хонаси контури доирасида) товарлар ишлаб чиқаришда (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) фойдаланилмаётган объектлар (мавсумий тусдаги фаолият амалга ошириладиган объектлар бундан мустасно);

**ижтимоий соҳа объектлари** — давлат мактабгача таълим, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал ва олий таълим муассасалари, кинотеатрлар, клублар, концерт-ғомоша кўрсатиш муассасалари, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, кинолаштириш объектлари (ушбу соҳадаги вазирлик, идоралар ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг маъмурий биноларидан ташқари);

**онлайн-буюртманома** — ҳоким ёрдамчисининг ахборот тизими орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига бўш турган давлат кўчмас мулк объектини сотиш бўйича юрган электрон мурожаати;

**«E-auction» электрон савдо платформаси** (бундан буён матнда электрон онлайн-аукцион деб юритилади) — электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай аукцион ва танловлар жараёнига кириш ҳамда уларда қатнашиш имконини таъминлайдиган ахборот тизими;

**балансда сақловчи** — бўш турган давлат кўчмас мулк объектини балансида сақловчи давлат органлари, давлат ташкилотлари ва давлат корхоналари.

2. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган «E-auction» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади.

Бунда, онлайн-буюртманома ҳоким ёрдамчилари томонидан ахборот тизими орқали берилади.

3. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомаларига асосан электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш ушбу Низомнинг иловасида\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини сотиш шартлари, агар қонунчилик ҳужжатларида ёки Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланади.

## **2-боб. Онлайн-буюртманома бериш ва уни кўриб чиқиш**

5. Ҳоким ёрдамчиси ўзига бириктирилган маҳаллада аниқланган бўш турган давлат кўчмас мулк объектини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш учун Агентликнинг ҳудудий бошқармаларига ахборот тизими орқали онлайн-буюртманома юборади.

Бунда, онлайн-буюртманома ахборот тизими орқали ҳоким ёрдамчисининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

6. Ҳоким ёрдамчисининг онлайн-буюртманомасида бўш турган давлат кўчмас мулк объекти бўйича қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

бўш турган давлат кўчмас мулк объектнинг тўлиқ манзили;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектнинг фотосуратлари ва аниқ геолокацияси;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектнинг майдони;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектдан келгусида самарали фой-

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даланиш бўйича таклиф, агар мавжуд бўлса. Бунда, тегишли маҳалла ва (ёки) объектнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, айнан қайси йўналишлар учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш бўйича ҳоким ёрдамчисининг таклифи кўрсатилади.

7. Ҳоким ёрдамчисининг онлайн-буюртманомаси ахборот тизими орқали Агентликнинг тегишли ҳудудий бошқармаларига автоматик равишда келиб тушади.

8. Онлайн-буюртманома келиб тушгандан сўнг, уч иш куни ичида Агентликнинг ҳудудий бошқармалари масъул ходимлари томонидан бўш турган давлат кўчмас мулк объекти жойига чиққан ҳолда кўздан кечирилади ҳамда қуйидагилар ўрганилади:

кўчмас мулк объектнинг давлат органи, давлат ташкилоти ёки давлат корхонасига тегишли эканлиги ҳамда бўш турганлиги;

кадастр ҳужжатларига мувофиқ бўш турган давлат кўчмас мулк объектнинг умумий ер майдони ва бино-иншоотлар эгаллаган майдони ҳамда балансда сақловчиси;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектнинг ижтимоий соҳа объекти тоифасига кириши ёки кирмаслиги;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган ҳудудларни ривожлантириш дастурида (тармоқ жадвалида) мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектнинг ижтимоий соҳа объекти тоифасига кириши ёки кирмаслиги;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси ва Агентликнинг бўш турган давлат кўчмас мулк объектдан келгусида фойдаланиш бўйича қарори мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектига нисбатан тақиқ (чеклов)нинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги.

9. Агентлик ҳудудий бошқармасининг масъул ходими ўрганиш жараёнида балансда сақловчидан бўш турган давлат кўчмас мулк объекти тўғрисидаги ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган маълумотларни сўраб олиши мумкин. Бунда, балансда сақловчи бўш турган давлат кўчмас мулк объекти тўғрисидаги маълумотларни бир иш куни ичида масъул ходимга тақдим этиши шарт.

10. Агентлик ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан бўш турган давлат кўчмас мулк объектини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

объект давлат давлат кўчмас мулк объекти ҳисобланмаса ёки бўш турган бўлмаса;

майдони 2000 квадрат метр ва ундан ортиқ бўлса;

ижтимоий соҳа объекти бўлса;

бўш турган давлат кўчмас мулк объекти ҳудудларни ривожлантириш дастури (тармоқ жадвали)да мавжуд бўлса;

хусусийлаштириш дастурларига кирган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат мулкани сотишда Тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси ва Агентликнинг бўш турган давлат кўчмас мулк объектдан келгусида фойдаланиш бўйича қарори мавжуд бўлса;

бўш турган давлат кўчмас мулк объектига нисбатан тақиқ (чеклов) мавжуд бўлса.

Бунда, бўш турган давлат кўчмас мулк объектини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш рад этилган кундан бошлаб бир иш куни ичида ахборот тизими орқали ҳоким ёрдамчисига рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар юборилади.

11. Бўш турган кўчмас мулк объекти хусусий мулк бўлган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги 666-сон «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

12. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаришни рад этиш учун ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаганда, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бир иш куни ичида ҳоким ёрдамчисининг онлайн-буюртманомасини электрон тизим орқали электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш жараёнига ўтказиш ҳамда бу ҳақда балансда сақловчига хабар беради.

### **3-боб. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш**

13. Онлайн-буюртманома ахборот тизими орқали электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш жараёнига ўтказилганда, уч иш куни ичида Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бўш турган давлат кўчмас мулк объектини савдога чиқариш тўғрисида тегишли буйруқ қабул қилади ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектини тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукционга чиқариш чораларини кўради.

14. Бўш турган давлат кўчмас мулк объектини сотишга тайёрлаш ва савдога чиқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

### **4-боб. Яқуний қоидалар**

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.



16. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Келишилди:*

*Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни  
қисқартириш вазири*

*Д. КУЧКАРОВ*

*2022 йил 6 июнь*

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

*Ш. КУДБИЕВ*

*2022 йил 31 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**234** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топилган тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3373*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги 150-сон «Солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисо-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 июнда эълон қилинган.

дий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 14 июнь,  
2022-20-сон

*Келишилди:*

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

*2022 йил 10 июнь*

**Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни  
қисқартириш вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

*2022 йил 11 июнь*

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

*2022 йил 24 май*

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил  
14 июндаги 2022-20-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 17 июндаги 2014-25-сон «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2600, 2014 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 28-сон, 350-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 2017-46-сон «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш

ва юрители тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»-ги қарори (рўйхат рақами 2600-1, 2017 йил 12 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1018-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 2018-65-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3077, 2018 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 41-сон, 821-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 16 июлдаги 2019-49-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3077-1, 2019 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 30-сон, 535-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 30 июндаги 2020-24-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3077-2, 2020 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 31-сон, 365-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 апрелдаги 2020-12-сон «Чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйишда (ҳисобдан чиқаришда) тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3234, 2020 йил 11 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 19-20-сон, 214-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 2020-19-сон «Ўзбекистон Республикасида товар-хомашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3245, 2020 йил 18 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й., 24-сон, 269-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**235 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш  
ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва  
қўшимча киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-12*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 28 июнь,  
16-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2022 йил 28 июндаги  
16-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва  
қабул қилиш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 48-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Банд ёки кичик бандга янги хатбоши қўшилаётганда, мазкур банд

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 июнда эълон қилинган.

ёки кичик банднинг кейинги хатбошилари кетма-кетлиги ўзгаради. Масалан:

«4-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;»;

иккинчи — бешинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.»».

2. 61-банднинг иккинчи хатбошисидаги «босиб чиқаришда» деган сўзлар «ёзишда» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 67-банднинг иккинчи хатбошисидан «якуний» деган сўз чиқариб ташлансин.

4. 68-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолияти соҳасига қирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан;»;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти соҳасига қирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан;

Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолияти соҳасига қирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги билан;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолияти соҳасига қирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан;»;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан;».

5. 77-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«77. Бир нечта вазирлик ва идоралар томонидан қўшма қабул қилинадиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат у биринчи бўлиб қабул қилаётган вазирлик ёки идора томонидан имзоланган санадан бошлаб ўн беш кун ичида қабул қилиниши лозим.».

6. 78-банднинг биринчи хатбошиси «ҳужжатлар ҳисобини юритиш учун» деган сўзлардан кейин «электрон ёки қоғоз шаклдаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 79-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналидаги маълумотларни ўзгартириш ёки уларни бошқача тарзда бузиб тўғри-лашга йўл қўйилмайди. Агар маълумотларни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш журналига киритишда жиддий хатоларга йўл қўйилса, нотўғри киритилган маълумот тўлиқлигича ўчирилади ва маълумотлар қайтадан киритилади.»

8. 83-банддаги «имзолаганлар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган органга юклатилади» деган сўзлар «қабул қилувчилар орасида номи биринчи бўлиб кўрсатилган вазирлик ёки идорага юклатилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 84-банддаги «иккита асл нусхада» деган сўзлар «мазкур Қоидаларнинг 80-бандига мувофиқ асл нусхаларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 91-банднинг ўн бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур банднинг «в» — «ж» кичик бандларида назарда тутилган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларига (рўйхат рақами 3344, 2021 йил 28 декабрь) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва ҳисобга қўйилади.»

11. 100-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомили мураккаб-лаштирилишини ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари зиммасига янги мажбуриятлар юклатилишини назарда тутадиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигига оид янги чораларни белгилайдиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинган кундан эътиборан камида уч ойдан кейин кучга киради.»

12. 4<sup>1</sup>-боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. 1 — 5 ва 10-иловалар мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1 — 6-иловаларига\* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

---

\* 1 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**236** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича ҳарбий хиз-  
матга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3374*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 23 июнь,  
200-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2022 йил 23 июндаги  
200-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга  
номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига (бундан буён матнда Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмалари деб юритилади) контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартибини белгилайди.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 28 июнда эълон қилинган.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**контракт бўйича ҳарбий хизмат** — Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида Ички ишлар вазирлиги орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат;

**ҳарбий-касбий саралаш** (бундан буён матнда саралаш деб юритилади) — фуқароларни (номзодларни) контракт бўйича ҳарбий хизматга қўйилган талабларга мос келишини аниқлашга қаратилган тадбирлар комплекси (жисмоний имкониятларни баҳолаш, интеллектуал ривожланганлик ва психоэмоционал барқарорлик даражасини психологик ўрганиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек ҳарбий хизмат учун касбий жиҳатдан муҳим бўлган бошқа сифатлар);

**номзод** — контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш ҳақидаги аризаси кўриб чиқиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

2. Номзодларни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш учун саралаш тадбирлари ташкил қилинади.

3. Номзодларни контракт бўйича ҳарбий хизматга саралаш тадбирлари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- а) номзодни дастлабки ўрганиш (ҳужжатларни йиғиш ва ўрганиш);
- б) жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;
- в) психологик ўрганиш (номзоднинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини баҳолаш);
- г) якуний суҳбат;
- д) тиббий кўрик;
- е) махсус текширув.

4. Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмалари учун зарур ҳолларда илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган фан арбоблари, шунингдек маданият вакиллари, сўнгги беш йил давомида республика миқёсидаги спорт мусобақасининг ғолиби бўлган ёки халқаро миқёсдаги спорт мусобақасининг 1 — 3-ўринларидан бирини эгаллаган спортчилар истисно тариқасида саралашнинг фақатгина психологик ўрганиш, тиббий кўрик ва махсус текширув босқичларидан ўтадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 15 январдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ёш гуруҳларидан келиб чиқиб, аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича спорт синовларининг махсус талабларини муваффақиятли бажарган (1, 2 ва 3-ўрин ғолиблари) фуқаролар бир йил мобайнида саралашнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичидан озод қилинади ҳамда уларга ушбу босқич бўйича максимал балл берилади.



**2-боб. Номзодларга қўйиладиган умумий талаблар**

6. Саралашда Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ёки олий маълумотга эга бўлган қўйидаги фуқаролари иштирок этишлари мумкин:

ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган шахслар;

муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган қирқ ёшгача бўлган шахслар;

резервдаги ва захирадаги қирқ ёшгача бўлган офицерлар.

Бунда, эркак жинсидаги номзод Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (ўтаётган) ёки сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматни ўтаган ёхуд олий таълим муассасалари ҳарбий тайёргарлик курсларида ўқишни тугатган бўлиши, шунингдек ҳарбий рўйхатда турган бўлиши керак.

7. Контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишда номзод бўйи қўйидаги махсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

эркак жинсидаги номзоднинг бўйи — 170 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак;

аёл жинсидаги номзоднинг бўйи — 165 сантиметрдан паст бўлмаслиги керак.

Ушбу бандда белгиланган талаблар мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

8. Қўйидаги ҳолларда саралашнинг исталган босқичида номзодни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш рад этилиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган, шунингдек бошқа давлатнинг фуқаролиги мавжуд бўлганда;

б) контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш имконини берувчи ёш чегарасидан ўтганда;

в) агарда эркак жинсидаги номзод ҳарбий хизматга мажбур бўлмаса;

г) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ контракт тузиш ҳуқуқи бўлмаса;

д) номзодга нисбатан жиноий иш қўзғатилган, унга нисбатан дастлабки тергов ёки суриштирув олиб борилаётган, жиноий иш судда кўриляётган бўлса (бу ҳолатларда номзодни қайта кўриб чиқиш жиноий иш бўйича якуний қарор қабул қилинганидан сўнг амалга оширилади);

е) жазо чорасидан ва амнистия қўлланилганидан қатъий назар содир этган жинояти учун айблов ҳукми мавжуд бўлса;

ж) агар номзод муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий хизматчининг номига доғ туширувчи хатти-ҳаракатни содир этгани ёки хизмат вазифасига нолайиқ бўлиб қолганлиги сабабли бўшатишган бўлса;

з) саралашнинг махсус текширув босқичи талабларига жавоб бермаса;

и) соғлигининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилса.

### 3-боб. Саралаш тадбирларини ташкил этиш

9. Номзодни саралаш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларининг Қоровул қўшинлари, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшинлари қўмондонлари ва Ҳарбий тузилмаларнинг фаолиятини таъминлаш базаси бошлигининг буйруғи билан тегишли ҳарбий тузилмаларда мазкур Низомнинг 1-иловасида\* кўрсатилган таркибда доимий фаолият юритадиган саралаш комиссиялари (бундан буён матнда саралаш комиссиялари деб юритилади) ташкил этилади.

10. Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларидаги мавжуд бўш лавозимлардан келиб чиққан ҳолда саралаш комиссиялари раислари томонидан номзодлар учун қабул кунлари белгиланади (масалан, ҳафтанинг муайян кунлари ёки ойнинг муайян саналари).

11. Номзодларни Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига жалб қилиш мақсадида кадр органлари томонидан саралаш ўтказилишидан камидан бир ой олдин ички ишлар органларининг расмий нашрларида, ички ишлар органларининг расмий веб-сайтида бўш лавозимлар бўйича маълумотлар, саралаш ўтказиш жойи ва кунлари, шунингдек хизматга қабул қилиш тартиби ва белгиланган имтиёзлар тўғрисидаги эълонлар жойлаштирилади.

12. Номзодларга қулайлик яратиш мақсадида ҳарбий қисмлар худудига кириш жойларида номзодларни саралаш тартиби, уларга қўйиладиган талаблар ҳақидаги маълумотлар қайд этилган ахборот стендлари мажбурий тартибда жойлаштирилиши лозим.

13. Саралаш тадбирлари давомида фахрийлар кенгаши аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва номзодларнинг яқин қариндошлари (бундан буён матнда жамоатчилик вакиллари деб юритилади) иштирок этишлари мумкин.

Бунда, жамоатчилик вакиллари саралаш тадбирларини ўтказиш жараёни ва унинг натижаларидан норози бўлган тақдирда саралашнинг тегишли комиссияси раисига ёзма равишда мурожаат қилишлари ва ўз таклиф ҳамда эътирозларини билдиришлари мумкин. Жамоатчилик вакилларининг мурожаатлари Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### 4-боб. Номзодларни дастлабки ўрганиш

14. Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойидаги Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади. Бунда, аризада номзоднинг паспорти ёки идентификация ID-картаси маълумотлари кўрсатилиши лозим.

\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Саралаш тадбирлари бошланганидан кейин мурожаат қилган номзодлар ушбу саралашда эмас, балки кейинги саралашда иштирок этишлари мумкин бўлади.

15. Номзод муқаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган бўлса, аризада контракт бўйича ҳарбий хизматдан бўшатилиш сабабини кўрсатиши лозим.

16. Навбатдаги саралаш тадбирлари бошланишидан ўн кун олдин Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмалари томонидан саралашда қатнашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган номзодларга саралаш тадбирларининг бошланиш вақти ва жойи ҳақида хабар берилади.

17. Саралаш комиссиясининг навбатдаги қабул куни давомида номзодларни дастлабки ўрганиш ишлари амалга оширилади.

18. Номзод дастлабки ўрганиш вақтида саралаш комиссиясига ўзини таништиради ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни комиссия котибига кўрсатади.

19. Саралаш комиссияси котиби саралаш учун ҳозир бўлган номзод ҳақидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ шаклдаги Номзодларни рўйхатга олиш ва дастлабки ўрганиш натижасини қайд этиш журналига киритади.

20. Номзод мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган талабга жавоб беришини аниқлаш мақсадида саралаш комиссиясининг тегишли аъзоси томонидан унинг бўйи ўлчанади. Номзоднинг бўйи талабга жавоб бермаган ҳолларда, унга саралашнинг кейинги босқичида иштирок этишга рухсат берилмайди.

21. Дастлабки ўрганиш давомида саралаш комиссиясининг суҳбат ўтказилишига масъул бўлган аъзоси (аъзолари) томонидан номзодга мазкур Низом талаблари, ҳарбий хизматчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ шартлар ва имтиёзлар тушунтирилиши ҳамда номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истаги бор ёки йўқлиги аниқланиши лозим.

22. Саралаш комиссияси аъзолари томонидан номзодни дастлабки ўрганиш натижаларига кўра, шу куннинг ўзида номзодни саралашнинг кейинги босқичига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Бунда, номзоднинг бўйи талабга жавоб берганда ҳамда номзод контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган ҳолларда саралаш комиссияси томонидан номзодни кейинги босқичга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

23. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар орасидан контракт бўйича хизматга номзодларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**5-боб. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш**

24. Саралашнинг дастлабки ўрганиш босқичидан муваффақиятли ўтган номзодлар жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш босқичига ўтказилади.

25. Жисмоний тайёргарлик синови номзоднинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

26. Кадр органи бошлиғи дастлабки ўрганиш натижалари эълон қилинган куни жисмоний тайёргарлик синови ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида номзодларни хабардор қилади.

27. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тадбирларни ўтказиш методикаси асосида амалга оширилади.

Бунда, номзодга ҳар бир машқни бажарганлик учун балл берилади. Умумий тўпланиши мумкин бўлган максимал балл — 30 баллни ташкил этади.

28. Номзодлар томонидан машқларни бажариш бошланишидан олдин уларга машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари саралаш комиссияси аъзолари томонидан тушунтирилади.

29. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган жисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар эркак ва аёл жинсидаги номзодлар учун алоҳида белгиланади.

30. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида саралаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланади.

31. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади ва натижалар шу заҳоти номзодларга эълон қилинади.

Қайднома саралаш комиссиясининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича синовда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида комиссия котибига топширилади.

32. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан жами тўпланган балли 15 баллдан паст бўлган номзодлар саралашнинг кейинги босқичига ўтказилмайди.

Саралашнинг якуний натижаларини ҳисоблашда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларидан тўпланган баллар якуний суҳбат давомида тўпланган баллар билан биргаликда қўшиб ҳисобланади.

33. Қониқарсиз баҳоланган номзод жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш машқларини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 2 марта навбатдаги саралаш тадбирлари давомида қайта топшириши мумкин, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

---

\* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**6-боб. Номзодларни психологик ўрганиш**

34. Жисмоний тайёргарлик даражаси қониқарли баҳоланган номзодларнинг интеллектуал ривожланганлик даражаси ва психоэмоционал барқарорлигини аниқлаш мақсадида психологик ўрганиш ўтказилади.

35. Номзодларни психологик ўрганиш мазкур Низомнинг 6-иловасига\* мувофиқ психологик ўрганиш методикаси асосида тест шаклида амалга оширилади.

36. Саралаш комиссияси аъзоси бўлган психолог психологик тест саволлари ва уларнинг жавоблари сақланиши ҳамда ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

37. Тест синовининг натижалари бўйича саралаш комиссиясининг психологик ўрганиш тадбирларида иштирок этган аъзолари томонидан шу куннинг ўзида психологик тест синовлари натижалари бўйича қайднома расмийлаштирилади ва имзоланади ҳамда комиссия котибига топширилади.

Психологик ўрганиш натижалари қайднома расмийлаштирилган куннинг ўзида номзодларга эълон қилиниши лозим.

38. Саралаш комиссияси томонидан психологик ўрганиш натижаларига асосан қуйидаги хулосалардан бири чиқарилади:

номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига мувофиқлиги ҳақида;

номзоднинг контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига номувофиқлиги ҳақида.

39. Психологик ўрганиш натижалари қониқарсиз бўлган номзод тест синовини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 2 маротаба навбатдаги саралаш тадбирлари давомида қайта топшириши мумкин, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

40. Психологик тадбирлардан муваффақиятли ўтган номзодларга мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ шаклда ҳарбий-касбий саралаш картаси тўлдирилади. Ҳарбий-касбий саралаш картаси комиссия раиси ва котиби томонидан имзоланади.

**7-боб. Якуний суҳбат ўтказиш**

41. Якуний суҳбатга саралашнинг дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик синови ва психологик ўрганиш тадбирларидан муваффақиятли ўтган номзодлар киритилади.

Якуний суҳбат саралаш комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига\* мувофиқ якуний суҳбатни ўтказиш методикаси асосида ўтказилади.

42. Жамоатчилик вакиллари саралаш тадбирларини реал вақт режимида (онлайн) кузатиб боришлари учун якуний суҳбат видеокузатув (онлайн трансляция) остида ўтказилади.

\* 6 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

43. Якуний суҳбатдан ўта олмаган номзодлар якуний суҳбатни натижалар эълон қилинган кундан бошлаб 1 йил давомида 2 маротаба навбатдаги саралаш тадбирлари давомида қайта топшириши мумкин, бироқ шу куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

44. Саралаш комиссияси қотиби томонидан номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва якуний суҳбат тадбирларида тўплаган баллари умумлаштирилиб, натижалари бўйича мазкур Йўриқноманинг 9-ило-васига\* мувофиқ шаклда Саралаш натижалари бўйича қайднома (бундан буён матнда қайднома деб юритилади) расмийлаштирилади. Умумлаштирилгандаги максимал балл — 60 баллни ташкил этади.

45. Қайднома саралаш комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан им-золанади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

Қайдноманинг кўчирма нусхаси номзодлар ва бошқа фуқаролар кўри-ши учун қулай бўлган жойда (ахборот стендлари ёки ички ишлар орган-ларининг хизмат бинолари деворларида) илиб қўйилади.

46. Ҳарбий тузилмалардаги мавжуд бўш лавозимлар сонини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва якуний суҳбат-нинг умумлаштирилган натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган ном-зодлар хизматга қабул қилинади.

47. Агар икки ёки бир нечта номзодларнинг умумий тўплаган баллари тенг бўлиб қолса, уларнинг психологик ўрганиш тадбирида қайд этган натижаси инobatга олинган ҳолда энг яхши кўрсаткичга эга номзод танлаб олинади.

48. Саралаш тадбирлари бошланишидан олдин дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, психологик ўрганиш ҳамда якуний суҳбат натижалари юзасидан номзодларнинг ариза ва шикоятлари-ни кўриб чиқиш учун Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмасининг бош-лиги буйруғига асосан Апелляция комиссияси ташкил этилади.

49. Апелляция комиссиясига ариза ва шикоятлар саралашнинг тегиш-ли босқичи бўйича натижалар эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта мобайнида тақдим этилиши мумкин.

50. Апелляция комиссияси тақдим этилган ариза ва шикоятларни улар тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаган муддатда мурожаат қилган номзод иштирокида кўриб чиқади.

Апелляция комиссияси қарори устидан белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

51. Саралаш тадбирлари давомида расмийлаштирилган барча ҳужжат-лар (дастлабки ўрганиш варақалари, қайдномалар ва комиссия баённома-ларининг нусхалари) номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига бириктириб қўйилади.

### **8-боб. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби**

52. Якуний суҳбатдан муваффақиятли ўтган номзодлар соғлигининг

---

\* 9-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳолатига кўра контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташга яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқлаш мақсадида улар тиббий кўриқдан ўтказилади.

53. Номзодларга тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланмалар ҳарбий тузилмалар кадр органлари томонидан берилади.

54. Тиббий кўриқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) талабларига мувофиқ ўтказилади.

55. Тиббий кўриқ натижаларига кўра ҳарбий хизматга яроқсиз ёки кейинчалик қайта тиббий кўриқдан ўтказиш шарти билан даволанишга муҳтож деб топилган номзодлар контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинмайди.

### **9-боб. Номзодларни контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш**

56. Дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, психологик ўрганиш ва яқуний суҳбатдан муваффақиятли ўтган ҳамда тиббий кўриқдан ҳарбий хизматга яроқли деб топилган номзодлар махсус текширувдан ўтказилади, шунингдек, давлат сири ҳисобланадиган маълумотлар билан ишлайдиган лавозимларга қабул қилинадиган номзодларга махфий маълумотлар билан ишлаш учун рухсатнома расмийлаштирилади, бундан махфий маълумотлар билан ишлаш учун белгиланган шаклдаги рухсатномага эга бўлган номзодлар мустасно.

Махсус текширув ҳамда давлат сири билан ишлаш учун рухсатнома расмийлаштириш талаблари хизмат сири ҳисобланади ва ошкор қилиниши ман этилади.

57. Махсус текширув натижаларига кўра, контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб топилган номзодларга ёзма равишда хабарнома юборилади.

58. Кадр органлари томонидан ҳарбий хизматга яроқли ҳамда махсус текширув ҳулосасига кўра ҳарбий хизматга қабул қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилган номзодга шахсий ҳужжатлар йиғмажилди расмийлаштирилади.

### **10-боб. Яқуний қоида**

59. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING  
BUYRUG'I

**237 Davlat yong'in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga o'zgartirishlar kiritish haqida\***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil 30-iyunda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3097-6*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 20-apreldagi 200-son "Qurilish sohasiga oid yagona ma'muriy qurilish reglamentlarini tasdiqlash to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi ichki ishlar vazirining 2018-yil 28-oktabrdagi 228-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3097, 2018-yil 11-dekabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 12.12.2018-y., 10/18/3097/2314-son) bilan tasdiqlangan Davlat yong'in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga ilovaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. KULDAShEV**

Toshkent sh.,  
2022-yil 6-iyun,  
245-son

O'zbekiston Respublikasi  
favqulodda vaziyatlar vazirining 2022-yil  
6-iyundagi 245-son buyrug'iga  
ILOVA

**Davlat yong'in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomaga kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 60-bandning yettinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:  
"qurilish obyektni foydalanishga qabul qilish ishchi va davlat komissiyasi dalolatnomasi yoki qurilish-montaj ishlari tugallangan obyektidan foydalanish uchun ruxsatnoma."

2. 62-banddagi "hududiy DAQN inspeksiyasi" degan so'zlar "Qurilish

---

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2022-yil 23-iyunda e'lon qilingan.



vazirligi huzuridagi Qurilish sohasida hududiy nazorat inspeksiyasi (bundan buyon matnda hududiy nazorat inspeksiyasi deb yuritiladi)” degan soʻzlar bilan almashtirilsin.

3. 70-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“70. Qurilish ishlari tugallangan obyektida DYoN inspektori uch ish kuni mobaynida joyiga chiqqan holda bino va inshootlarni yongʻin xavfsizligi talablariga muvofiqligi yuzasidan oʻrganib chiqadi. Oʻrganish natijalari boʻyicha asosli eʼtiroz boʻlmagan taqdirda QR-kod qoʻyilgan xulosa hududiy nazorat inspeksiyasiga elektron tarzda yuboriladi.

Bino va inshoot yongʻin xavfsizligi talablariga javob bermagan taqdirda, DYoN inspektori tomonidan xulosa berishni rad etish toʻgʻrisidagi xulosa (rad etishning aniq asoslarini tegishli qonunchilik hujjatlari normalari bilan koʻrsatgan holda) rasmiylashtiriladi va shu kunning oʻzida Davlat xizmatlari markaziga yoki ariza beruvchiga Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali yuboriladi.”.

4. 72-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“72. Qurilish ishlari tugallanganidan soʻng, davlat sirlari yoki qonun bilan qoʻriqlanadigan boshqa sirlar bilan bogʻliq qurilishi tugallangan obyektlar, shuningdek davlat ahamiyatiga ega obyektlarda foydalanishga qabul qilish komissiyasi dalolatnomalarida DYoN inspektorining imzosisiz yoki Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 20-apreldagi 200-son qarori bilan tasdiqlangan Qurilish-montaj ishlari tugallangan obyektidan foydalanish uchun ruxsatnoma berish boʻyicha davlat xizmatlari koʻrsatishning maʼmuriy reglamentida nazarda tutilgan obyektlarda QR-kodli xulosasisiz faoliyat koʻrsatilayotganligi aniqlanganda, bu toʻgʻrisida zudlik bilan mahalliy davlat hokimiyati organlari, arxitektura va qurilish organlari hamda hududiy nazorat inspeksiyasi xabardor qilinadi.”.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазирининг 2022 йил 7 июндаги 6-мх-сон «Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2022 йил 13 июндаги 227-мх-сон ««Uz» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1830-2.***

3. Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2022 йил 6 июндаги 170-сон «Майдони 2000 квадрат метргача бўлган бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчиларининг онлайн-буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3372.***

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2022 йил 14 июндаги 2022-20-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3373.***

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2022 йил 28 июндаги 16-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-12.*

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2022 йил 23 июндаги 200-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий тузилмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

*2022 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3374.*

7. O‘zbekiston Respublikasi favqulodda vaziyatlar vazirining 2022-yil 6-iyundagi 245-son «Davlat yong‘in nazorati organlari faoliyatini tashkil etish va amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaga o‘zgartirishlar kiritish haqida»gi buyrug‘i.

*2022-yil 30-iyunda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3097-6.*

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 17 июндаги 2014-25-сон «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2600, 2014 йил 10 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2600-1, 2017 йил 12 сентябрь).

*2022 йил 28 июнда давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 августдаги 2018-65-сон «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3077, 2018 йил 11 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3077-1, 2019 йил 24 июль), (рўйхат рақами 3077-2, 2020 йил 29 июль).

*2022 йил 28 июнда давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 9 апрелдаги 2020-12-сон «Чет эл юридик шахсларини солиқ органларида ҳисобга қўйишда (ҳисобдан чиқаришда) тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3234, 2020 йил 11 май).

*2022 йил 28 июнда давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 2020-19-сон «Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3245, 2020 йил 18 июнь).

*2022 йил 28 июнда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**